



ОИЛАДА АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НИКОҲ МОТИВЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

А.Р.Абдуллаева

ФарДУ психология кафедраси ўқитувчиси

М.Р.Абдукаримова

ФарДУ магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада ажрим ёқасига келиб қолиш сабабларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ёритилган. Ажримларга сабаб бўлиши мумкин бўлган никоҳ мотивлари ёритилган. Мақолада ажралишларнинг олдини олиш бўйича психологик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: оила, никоҳ олди мотивлари, стереотип, ажрим, никоҳ, тавсия.

PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MARRIAGE MOTIVATION IN PREVENTING DIVORCES IN THE FAMILY

A.R.Abdullayeva

FarDu Psychology teacher of the department

M.R.Abdukarimova

FarDu Psychology student

Annotation. This article describes the socio-psychological features of the reasons for being on the brink of divorce. Motives of marriage that can cause divorces are highlighted. The article provides psychological recommendations for preventing divorces.

Keywords: family, psychological, divorce, marriage, recommendation.

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир шунингдек, оила тарбиянинг бошланғич эмоционал, ижтимоий муносабатлар шахслараро ижтимоий алоқаларни шакллантирадиган макон. Оила ўзининг барча томонлари билан бола шахсини камол топтиради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдик, бу дунёда ҳаёт бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.¹

Аввало оила қураётган ёшлар маънан, руҳан, жисмонан умуман ҳар тамонлама соғлом бўлишлари лозим, чунки соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади. Оилавий турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизлар англандан

¹ Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т.: 2008. 56-бет.



мотивлар асосида ўз никоҳларини қуришлари ва оилавий муносабатларни ижобий фонда ташкил этиш бўйича етарли билимларга эга бўлишлари, улар турмуш қуришларидан олдин оила қуриш сабабларини тўлиқ англаб етишлари, муқаддас никоҳни қадрият сифатида ардоқлашишига ёрдам беради.

Никоҳ олди омилларининг асоси ҳам — шу никоҳ қурилишига сабаб бўлган никоҳ мотивларидир. Улар турлича талқин қилинсада, асосан севги туфайли оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бир-бирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан, сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, оила қуриб етишадилар. Шунингдек, иккинчи классификацияси моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли оила қуриш. Бунда ёшлар оила қураётган эканлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар. Никоҳмотивлариклассификациясиданянабири — стереотипбўйичаоилақуришдебаталади.

Бутоифаёшлардаолдингимотивларнингиккаласиҳамкузатилмаслигимумкин. Улар оилақураётган эканлар, стереотипларгақарайдилар. Ёшларни оила қуришларида, уларнинг иқтисодий мустақиллиги алоҳида ҳақиқатга эга. Бу ўринда ҳам турлича ёш чегаралари мавжуд, ёшларнинг айримлари 18—19 ёшидаёқ ота-онаси оиласидан иқтисодий мустақилликка эришиши мумкин, бошқалари еса 25—30 ёшларида ҳам ота-оналарининг моддий ёрдамидан фойдаланадилар.

Бу етуклик жиҳатлари орасида шахснинг маънавий ва ахлоқий етуклиги ҳақида гапириш энг мураккабидир. Чунки бу жиҳат ҳақида аниқ бир мезон ва тавсиф ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Шундай қилиб, «етуклик» тушунчаси ўзича кўплаб жиҳатларни мужассамлаштиради. Шунинг билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан узвий боғлиқдир. «Ҳаётий билимларни ўзлаштириш», «Ҳаёт университетларидан» ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Маълумки олдинги вақтларда, айниқса уруш йиллари болалар катталар ҳам ҳамма вақт урдада олавермаган ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечирганлар. У вақтларда 12—14 ёшдан оқ болалар оналарига оилани таъминлашда ёрдам берганлар. Шунингдек шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, кам фарзандли ва кўп фарзандли оилаларда, нуклеар ёки кўп табақали оилаларда ўсаётган болаларнинг ҳам оилани моддий, ижтимоий таъминотиغا ҳисса қўшиш, бу ишлар билан шуғулланиш муддатлари ва миқдори турличадир⁹⁹. Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турлича жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда

⁹⁹ Қурбонов Т. Одобнома. –Тошкент, "Ўзбекистон", 1991 й. - 476.



қандайдир бир ёш, вақт оралиғини кўрсатиши мутлақо мумкин эмас. Бунинг устига ҳаётни, бизни ўраб турган атроф оламини билиш ўз навбатида чексиздир.

Никоҳ олди омилларидан яна бири — шу никоҳ қурилишига асос бўлган никоҳ мотивларидир. «Мотив» ибораси психологияда маълум бир хулқ, фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч, туртки, манба, асосни билдиради. Хўш, оилалар қандай мотивлар туфайли юзага келиши мумкин? Психологик адабиётларда бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари фарқланади. Лекин улар умумлаштирган ҳолда учта классификацияга фарқланади. Булар: севги туфайли оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бирбирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан, сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, оила қуриб етишадилар.¹⁰⁰

Мотивларнинг иккинчи классификацияси моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли оила қуриш. Бунда ёшлар оила қураётган еканлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда: «Агар шу йигитга турмушга чиқсам, бой-бадавлат яшайман» ёки «Шу қизга уйлансам, унинг ота-онаси ёрдамида маълум бир мансаб, мавқега эришаман», — деган фикрлар асосида ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар. Шу каби ҳисобга олинадиган нарсаларни кўплаб санаб ўтиш мумкин.

Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири — стереотип бўйича оила қуриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам кузатилмаслиги мумкин. Улар оила қураётган еканлар, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қурганликлари сўралса, одатда «Ҳамма тенгдошларим уйланаётганди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётганди, мен ҳам турмушга чиқдим!» қабилида жавоб берадилар.

Хўш, шу санаб ўтилган учала мотив: севги, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича қурилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлади, яъни қайси мотив никоҳ оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлайди? Албатта, бу саволга ёшларнинг аксарияти, биринчи мотивни, яъни севги мотивини танлаб жавоб беришади. Чунки улар севги туфайли оила қуриш никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи энг ишончли, мустаҳкам пойдевор деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, севгининг оила мустаҳкамлигидаги ўрни беқиёсдир.

Ҳақиқатан ҳам, севги — бу ўта қудратли кучдир. У туфайли инсон нималарга қодир эмас?! Инсоният ўз тараққиётида эришган энг юксак чўққилар ҳам севги туфайлидир. З.Фрейд таъкидлаганидек: «Севги — бу инсониятни ҳайвонот олаמידан суғуриб олган кучдир!». Инсон яратган буюк мўжизаларнинг барчаси севги туфайлидир. Бу айтилганлардан кўриниб турибдики, севги

¹⁰⁰Шоумаров Г.Б. таҳрири остида. Оила психологияси, Т.: «Шарқ, 2000. - 121 б



туфайли оила қуриш бахтли ва мустаҳкам никоҳнинг асосини таъминлайди. Албатта, севишиб турмуш қурган жуфтларнинг аксарияти энг бахтли оилавий ҳаёт кечирадилар. Лекин статистик маълумотларга қараганда, оилалар ажралишининг кўпчилик қисми ҳам худди шу севишиб оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Хўш, нега енди севишиб оила қурган жуфтлар оилавий ҳаётларида ҳамма вақт ҳам бахтли бўлавермайдилар? Нега кечагина бир-бирларини севиб, бир-бирларисиз яшай олмаслигига тўла амин бўлган ёшлар бугун никоҳларини бекор қилиш ҳақида судга ариза бераяптилар? Уларнинг севгисига нима бўлди? Севги — ўзи нима? У бор нарсами ёки йўқми? Бу ўринда ҳақли равишда «Севги оилавий ҳаётнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам берадими ёки халақит қиладими?», деган савол туғилади. Бу каби саволлар азал-азалдан ёшларни, умуман инсониятни қизиқтириб келган саволлардир. Бу ҳақда ўтмиш мутафаккирларимиз, олиму, шоир, ёзувчиларимизнинг асарларидан, халқимизнинг доно маънавий меросларида баъзан бир-бирига қарама-қарши бўлган кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин. Севги, агарда у ҳақиқий бўлса, севишганлар бир-бирларини ҳурмат қилиб, тушуниб, эъозлаб, авайлаб, керак бўлса бири иккинчисининг бахти, шодлиги, қувончи, манфаати учун ўз манфаатидан воз кечиб, ўта нозик бўлган туйғу севгини ҳар куни, ҳар доим парвариш қилиб яшасалар, унда севги уларнинг муносабатларини янада яқинлашишига, уларнинг оилавий ҳаётининг мустаҳкамланишига ва биргаликдаги ҳаётларида энг олий завқ-шавқларни ҳис қилишларига асос бўлиши мумкин. Бу еса албатта, ёшлардан сабр-тоқат, чидам, ўз севгисини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, «жафо чекиш»ни талаб қиладди. Шундагина севги ўзининг лаззатли меваларини бериши, ўзининг куч-қудратини кўрсатиши мумкин.

Навбатдаги мотив моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришдир. Бу мотивнинг оила мустаҳкамлигига таъсири унинг кейинчалик қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Оила қуришдан олдин ёшларнинг ҳисобга олган, кўзда тутган нарсаларининг ҳаммаси рўёбга чиқаверса, бу мотив маълум даражада никоҳ мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, юридик жиҳатдан энг мустаҳкам, турғун оилалар стереотип бўйича оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Бундай оилаларда ажрашишлар миқдори олдинги икки мотив асосида қурилган оилаларга қараганда жуда кам кўрсаткични ташкил қиладди. Чунки улар «ҳамма қатори» оила қуришган. Қарашса-ки «ҳамма бинойидек яшаяпти» — булар ҳам яшайверишади. Бу мотив асосида қурилган оиладаги эрхотинлар ўта бахтли ҳам, ўта бахциз ҳам бўлмайдилар. Лекин биргаликдаги ҳаёт туфайли эр-хотин ўртасида бир-бирларига мослашиш, бир-бирини тушуниш, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат юзага келиб, улар ривожланиб юқорида айтганимиздек, севгимухаббат даражасига ўсиб етиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз,



бу тоифа оилаларни нафақат расмий, юридик жиҳатдан, балки эмоционал, психологик жиҳатдан ҳам турғун бўлишини таъминлаши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Davletshin M. G. Status and tasks of psychological service in Uzbekistan. // Scientific and methodological foundations and experience of organizing a school psychological service. Abstracts of reports of the republican scientific-practical conference. Bukhara, September 15-18, 1989. - B. 113.

2. Shoumarov G'.B. Shoumarov Sh.B Love and family. - T.: Publishing association named after Ibn Sina. - 1994. - P. 120.

3. Солиев, Ф. С., Абдуллаева, А. Р., & Джухонова, Н. Х. (2019). Формирование психологической культуры и этноценностных ориентаций студенческой молодежи. In *Психологическое благополучие современного человека* (pp. 334-339).

4. Djuxonova N. X., Mamajonova SH. Mahalla-qizlarni oilaviy hayotga tayyorlashning muhim omili sifatida //innovatsii v pedagogike i psixologii. – 2021. – Т. 4. – №. 7.

5. Исакова, М. Т. "Эмпирическое исследование взаимосвязи отношения личности к здоровью с индивидуально-динамическими характеристиками." П 86 Психология управления персоналом и экосистема наставничества в условиях изменения технологического уклада. Вторая международная научно (2021): 544.

6. Исакова М. Т. Современное образование (узбекистан) //современное образование (узбекистан) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Центр инновационных технологий". – №. 8. – С. 45-52.

7. Исакова, М. Т. Современное образование (узбекистан). современное образование (узбекистан) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Центр инновационных технологий", (8), 45-52.

8. Isaqova M. T. Etnopsixologiya //Toshkent: Iqbol-Turon. – 2007.

9. Ostanakulov A.D The history and role of Islam and psychology in the education system in Central Asia. ResearchJet Journal of Analysis and Inventions <https://RESEARCHJET.ACADEMIASCIENCE.ORG> ISSN: 2776-0960 Impact Factor: 7.655 VOLUME 2, ISSUE 4, APRIL - 2021

10. Rustamovna A. A. et al. Ethnopsychological features of the preparation of student girls for family life //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 5. – С. 974-979.

11. Rustamovna, Abdullaeva Arofat, and Djukhonova Noxida. "Ethnopsychological features of the preparation of student girls for family life." ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11.5 (2021): 974-979.



12. Rustamovna, A. A., & Noxida, D. (2021). Ethnopsychological features of the preparation of student girls for family life. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 974-979.
13. Джухонова Н. Подготовка учащихся к семейной жизни как психолого-педагогическая проблема //ББК Ю953. – 2020. – С. 68.
14. Джухонова, Н. "Подготовка учащихся к семейной жизни как психолого-педагогическая проблема." ББК Ю953 (2020): 68.
15. Джухонова, Н. (2020). Подготовка учащихся к семейной жизни как психолого-педагогическая проблема. ббк ю953, 68.
16. Djuhonova N. PREPARING STUDENTS FOR FAMILY LIFE AS A PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PROBLEM //Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. – 2020. – С. 68-71.
17. Djuhonova, N. "PREPARING STUDENTS FOR FAMILY LIFE AS A PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PROBLEM." Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. 2020.
18. Djuhonova, N. (2020). PREPARING STUDENTS FOR FAMILY LIFE AS A PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PROBLEM. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 68-71).
19. Джухонова Н. Х., Иброхимов Д. ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ ДЕВУШЕК-СТУДЕНТОК К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 829-835.
20. Джухонова, Нохида Хаётжоновна, and Дониёр Иброхимов. "ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ ДЕВУШЕК-СТУДЕНТОК К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ." *Scientific progress* 2.4 (2021): 829-835.
21. Джухонова, Н. Х., & Иброхимов, Д. (2021). ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ ДЕВУШЕК-СТУДЕНТОК К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ. *Scientific progress*, 2(4), 829-835.
22. Abdukadirova L. Y., Mirzajonova E. T. The importance of reading competencies in the context of the "industry 4.0" industrial revolution //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 205-210.
23. Abduqodirova L. Y., Sobirova A. IQTIDORLI O'QUVCHILARDA SAMARALI KOPING XULQ-ATVORNI SHAKLLANTIRISH MAMLAKAT INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH OMILI SIFATIDA //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 1357-1363.
24. Abduqodirova, L. Yu, and Aziza Sobirova. "IQTIDORLI O'QUVCHILARDA SAMARALI KOPING XULQ-ATVORNI SHAKLLANTIRISH MAMLAKAT INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH OMILI SIFATIDA." *Academic research in educational sciences* 3.5 (2022): 1357-1363.



25. Abduqodirova, L. Y., & Sobirova, A. (2022). IQTIDORLI O'QUVCHILARDA SAMARALI KOPING XULQ-ATVORNI SHAKLLANTIRISH MAMLAKAT INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH OMILI SIFATIDA. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 1357-1363.

26. Нуралиева Д. М. Абдукаримова М.П. THE PROBLEMS OF DEVELOPING SOCIAL PSYCHOLOGICAL MECHANISMS IN THE FAMILY // *Theoretical & Applied Science*. – 2020. – №. 1. – С. 711-713